

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

20 ноябрь, пайшанба, 1997 йил
Сотувада эркин нархда. № 236 (1753)

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА

ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН МУКАММАЛ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озик-овқат қўмитасининг ишчи гуруҳи «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг Андижон вилоятида қандай бажарилаётганини ўрганиб чиқди. Мухбиримиз шу муносабат билан қўмита раисининг ўринбосари Мирзамурод ИКРОМОВ билан суҳбатлади.

— Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни бошлангандан буён қишлоқ ҳўжалиги соҳасига доир қўлаб қонулар қабул қилинди. Шу жумладан, «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонун ҳам бу соҳа тараққийига хизмат қиладиган ҳўжатлардан биридир.

— Тўғри айтдингиз. Ҳар бир қонун тараққийга хизмат қилади. Лекин бунинг учун унинг тўла ижроси таъминланиши керак.

Маълумки, Андижон вилояти республикамизнинг жадал ривожланиётган ҳудудларидан ҳисобланади. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ишловларни аниқ мақсадли қўлдан ҳўла амалга ошириш тўғрисида вилоятда жиддий ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Чунки, 1997 йилнинг 9 ойи мобайнида ўтган йилнинг ҳудди шу даврига нисбатан саноатда ишлаб чиқариш ҳажми 3,4 баравар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми эса 2,3 баравар ошди. Қишлоқ ҳўжалигида жиддий ютуқларга эришилди. Вилоят меҳнатқашлари кейинги 5 йил давомида 1 млн. 706 минг тонна пахта, 1 млн. тоннадан зиёд галла, 38 минг тоннага яқин картошка, кўп миқдорда сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари етиштирилди. Пахтакорлар пахта тайёрлаш бўйича 1997 йилги топшириқни ҳам муваффақиятли бажардилар. Улар республика умумий ҳирмонига 310 минг тонна «оқ оltин» топширдилар. Вилоят пахта етиштиришнинг истиқболли усулига — плёнка остига чигит экишга ўтиш ташаббускори бўлиб, қишлоқ ҳўжалигида ҳуеунийлаштириш амалда нихоясига етказилди — қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 99,6 фоизини иқтисодиётнинг нодавлат секторида етиштирилмоқда.

— Демократик, эриш-лаётган ютуқлар бонси қишлоқ ҳўжалиги оид қонуларга амал қилинётганида.

Вилоятда айнан «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси қандай аҳволда?

— Ҳа, тўғри. «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан сўнг деҳқон ҳўжаликлари тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Ҳозирги кунда деҳқон ҳўжаликлари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга сал-

моқли ҳисса қўшмоқда. Бу қонун деҳқон ҳўжаликлари фаолиятини ташкил этиш тартиби ва унинг асосларини белгилаб берди, қишлоқ талбиркорлари учун муҳим рағбатлантириш омилли бўлди.

Бутунги кунда Андижон вилоятида 2179 та деҳқон ҳўжалиги мавжуд. Биринча 1997 йилда уларнинг сон 407 тага кўпайди. Деҳқон ҳўжаликлари ташкил этишда амалдаги қонун ҳўжатларига тўла риоя қилинди. Бундай ҳўжаликларнинг барчаси ихтиёрий равишда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ёзма мурожаати асосида ташкил этилди.

Қонуннинг 5-моддаси асосида деҳқон ҳўжаликлари ер бериш масалаларини ҳал этиш учун туманларда маҳсул комиссиялар ташкил этилиб, уларнинг таркибига депутатлар, қасаба уюшмалари ва ҳўжалик органларининг вакиллари киритилди.

Комиссиялар ер ажратилишининг белгиланган тартибига риоя қилиниши, шунингдек, ерга эгалик қилишнинг турлари уйғунлаштирилиши таъминламоқдалар. Масалан, деҳқон ҳўжаликлари 14,8 минг гектардан зиёд ер ажратилган, шундан 14,3 гектари 10 йилдан 30 йилга қадар муддатга ижарага ва 500 гектарга яқин ер эса бир умрга мерос қилиб қолдириш ҳўқуқи билан берилган.

Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, деҳқон ҳўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳўқимларининг биринчи ўринбосарлари зиммасига юклатилган бўлиб, улар деҳқон ҳўжаликларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш, тегишли бинолар, алоқа воситалари, асбоб-ускуналар ажратиш, юқори малакали мутахассислар билан таъминлашда кўмаклашмоқдалар.

Деҳқон ҳўжаликлари ўз фаолиятларининг йўналишини, ишлаб чиқариш тўққил масаси ва ҳажмини мустакил белгилайди. Масалан, 2179 та деҳқон (фермер) ҳўжалигидан 1419 таси деҳқончиликни, 760 таси чорвачиликни танлаган. Қонунга мувофиқ, деҳқон ҳўжаликларининг фаолиятини кўпроқ ҳўжалик аъзоларининг шайх мўхлатига асосланган. Ишларни бажаришга меҳнат шартномаси асосида вақтинчалик бошқа шахслар ҳам жалб этилади.

(Давоми 3-бетда).

САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

АНҚАРА, 19 ноябрь. (УЗА махсус мухбири Шухрат УМИРОВ хабар қилади).

Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримовнинг Туркияга расмий ташрифи давом этмоқда. Кеча, куннинг иккинчи ярмида мамлакатимиз раҳбари Туркия Буюк Миллат Мажлисинга ташриф буюрди. Ислоом Каримовни Туркия парламенти раиси Ҳикмат Четин қарши олди. Бўлиб

ўтган мулоқот чоғида икки мамлакат парламенти алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Пештоқида мамлакатимиз давлат байроғи ҳиллаб турган «Жомли кўшк» қароргоҳида Президент Ислоом Каримов «Коч холдинг» саноат-молия компанияси президенти ва бош ижрочи директори Инон Кирач ҳамда Туркия Иш банки пре-

зиденти Юнол Кўруқчини қабул қилди.

Ислоом Каримов жойлашган қароргоҳга Туркия Бош вазири Месут Йилмаз ташриф буюрди. Тенг ҳўқуқлик асосидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини бевосита амалий ишлар билан кенгайтириш Президенти билан Туркия Бош вазири ўртасидаги суҳбатнинг бош мавзуси бўлди.

Туркия Президенти Сулаймон Демирел ҳамроҳлигида мамлакатнинг кўҳна гўшаларидан бири — Эски шаҳарга келди. Президентимиз «Коч холдинг» компаниясининг «Арчелик» заводи фаолияти билан танишди.

Бутун Ислоом Каримовнинг Туркияга расмий ташрифи нихоясига етди. (ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОНДА УКРАИНА МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Дўстлик кўргазмаси



Кўни кеча Бадий академиянинг марказий кўргазмалар залида украин расмолари асарлари кўргазмаси очилди. Мазкур кўргазмага 400 дан ортиқ экспонатлар кўйилган бўлиб, улар украин халқининг тарихи, буюми ва эстетик ақс эттирди. Украин миллий либослари, тарихий асарлари шиланган суратлар, керамика, ёнги, рангли ҳамда рансиз ишловдан тайёрланган ёдорлик буюмлари, пародондоз кўчмачилари томошабини бефарқ қадирмайди. Кўргазма очилишидан аввал «Гетман» Украина Қўрғали кўчлари қошидаги вокал квартети

артистлари концерт намойиш этидилар. Сўнг Бадий академия президенти Туркмули Кўреев кўргазма кўриш сўзи билан кўргазмани очиб деб эълон қилди. Тўғри айтдингиз. Украина маданияти ва санъат ишлари вазири Дмитрий Остапенко билан Ўзбекистон маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев сўзга чиқиб, орада хўрўдий мавсифи кўн эълон қилди. Қарамандан, ўзбек ва украин халқи кўргазма икки дўстлар эълон қилди ҳамда бу дўстлик ҳар соҳада барқарор бўлишини тавқиллади.

Ўз мухбиримиз.

САМАРҚАНДА ЯНА БАЙРАМ

Шаҳарликлар ҳам кўниқиб қўлишди. Ҳар кўни бир байрам ёки тантана. Узи улар уч кўн Самарқандда давом этган Ҳожи Абдуллазиз Абдураулов номидаги 1-республика хонандалар танлови меҳмонларига меҳмонлик қилишди. Ўзбекистонда ўтаётган Украина маданияти кўнлари иштирокчилари Самарқандга келиб, Амир Темур ҳайкали пойнта гулчамбар қўйишда Х.Олимжон номидаги ўзбек драма театри биносида танловнинг гўлиблари эълон қилинди. Яхши кўнлар бир-бирини етказиб келган эди.

Украинлик меҳмонлар шаҳардаги Акмал Икромов музейи меҳнат жамоаси билан учрашди. Уш ернинг ўзида концерт намойиш этилди. Шунингдек, шаҳардаги 37-мактаб, чинни заводи, шароб заводи ишчилари уюқ Украинадан келган санъаткорларнинг ижоди билан танишдилар, улар ижросидаги кўй-қўшиқларини тингладилар. Меҳмонлар ҳам меҳнат жамоаларида олиб борилган ишларни мароқ билан кузатишди. «Нафис» ҳиссалорини жамиятида тай-

ёрланаётган нафис чинни ишчиларга ҳаққий санъат асари экан, деб баҳо беришди.

Ушдан кейин меҳмонлар олдига келди, қадим шаҳарнинг ҳайратомуз ёлорликлари билан танишди, зиёратгоҳларга бўлишди. Шох-Зинда ансамбли, Регистон майдони, Гури Амир мақбараси уларда катта таассурот қолдирди.

Кечки пайт Ҳамид Олимжон номидаги ўзбек драма театри биносида украин санъаткорлари ва Ҳожи Абдуллазиз Абдураулов номидаги 1-республика танлови гўлиблари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

Гули ЧЕҲРА.

ЭХТИРОМ

Украина маданияти кўнлари иштирокчиларидан бир гуруҳи кўни кеча Қашқадарёга ташриф буюрди.

Қарши аэропортида украинлик атоқли санъаткор Николай Гнаток етқилишидаги қарлош халқ вакиллари билан раҳбарлари, яқорхона ва ташкилотларнинг вакиллари, маданият ҳолимлари, ёшлар самимий кўтиб

олишди.

Қарши шаҳрида украинлик дўстлар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Меҳмонлар томонидан кўргазмалар концерт томошалари халқ оқинишга сазовор бўлди.

Республикамизнинг ирриқ саноат марказларидан бири - Муборак шаҳри меҳнатқашлари билан бўлган дийдорлашу ҳам барчада катта таассурот қолдирди. Бу ердаги газни қайта ишлаш заводи, Муборак шаҳри ҳаёти билан яқиндан танишган меҳмонлар мана шу масқандан Украинага газ юборилишини билдиб қувондилар.

— Ўзбек газ бининг уйлариимизига эмас, қабларимизига ҳам иситмоқда. — дейди танқиди санъаткор Л. Васильковская. Муборакда украинлик санъаткорларнинг чиқилари маҳаллий ёш ижрочиларнинг концертига уланиб кетди.

Бутун эса украинлик қардошлар қадимий ва ҳамшира навқорини Шаҳрисабз шаҳрида ёлгорликлар билан танишдилар. Буюк бобомиз Амир Темур қадимколларини зиёрат қилишди.

П. ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АЙЛанаДИ СОАТ МИЛЛАРИ

Ўғлимни Оқламайман, Лекин...

Менинг ўғлим Баҳодир Раҳматов 22 ёшида Анерен шаҳар судининг 1993 йил, 26 октябрдаги ҳўқми билан 10 йилга озодликдан маҳрум этилди. Мана, тўрт йилдирки, тегишли жойда жақосини ўтапти.

Тўғри, ўғлим ўз айбига яраша жақосини олмоқда. Мен уни оқламайман. Фақат бир нарса қалбимда армон бўлиб қолди. Негаки, жиноят иши ўрганила бошланган дастлабки даврданоқ суд мажлисида ўғлимнинг ҳўмовага бўлган ҳўққи бўлибди. Яъни адвокат иштироки таъминланмади. Бу ҳўлат Тошкент вилоят судида жиноятни қассация тартибиде кўриш чоғида яна такрорланди. Биз ёллаган адвокат тегишли ордери бўлишига қарамай, аризани кўриб чиқиб жараёнига тақлиф этилмади.

Орадан роса тўрт йил вақт ўтди. Ўғлимнинг қонуний ҳўқуқи бўзилгани ҳақида ариза кўтариб адиля идораларига бир неча бор мурожаат этидим. Афсуски, соволарим жақобсиз қолди. Энди нима қилай?

Гулбаҳор РАҲМАТОВА,
Тошкент вилояти,
Кўни Чирчик туманидаги
«Ўжакент» жамоа ҳўжалиги.

ТАШАККУР

ЯХШИ ОИЛА БОШЛИГИ АЁЛИНИ ҚАРИТМАЙДИ

Бу бизга жўдаям таниш қалом. Бўнга шўни қўишмча қилиш мумкинки, яхши раҳбар бўлган жўдаям аёлнинг меҳнати ҳамшира қаранди, номни улуғланди.

«Самарқанд шаҳридаги «Гулистон» ресторанида вилоятнинг меҳнатда илгор, чевар аёллари тўғиланиши, — дея хабар қилди ўз мухбиримиз. — Пахта шилми-теримида фаол қатнашганини уқун уларнинг кўнчилиги турли сова-саломлар билан тақдирланди. Бир нилла чой устида суҳбат бўлди, давра кўй-қўишқча тўлиди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, Самарқанд тумани ҳўқимаси Раҳима Ҳакимова вилоятнинг илгор аёлларини чин дилдан табриқлаб, ўзининг самимий истақларини билдирди.

СПОРТ ДУНЁСИ

ЮЗ МИНГ ДОЛЛАРЛИК СОВРИН

Яқин кўнларда поштақимизнинг «Юнусобод» теннис мажмуида эркин кураш бўйича ўтказилаётган ирриқ халқаро мўсабақанинг бош мўқофоти юз минг АҚШ долларига тенг қилиб белгиланди.

Мўсабақада АҚШ, Эрон, Россия, Туркия, Қозғистон, Ўзбекистон, Украина сангари мамлакатларининг энг номдор полковлари иштирок этиди.

Хуллас, ҳалол ва мардона курашган ҳар бир полков бойиб кетиши аниқ.

НИМА ДЕЙСИЗ ?

ТУЯНИНГ УСТИДА...

«Табиркорнинг, тижоратчининг замони келди. Биров чойхона кўрайти, бошқаси дўкон. Хуллас, пидеянинг отликдан кам жўйи борми, дегандай, УЗА мухбири Йўлчи Жўра ҳам Жўзасанине каттақон майдони ёнида тижорат дўкони кўра бошлаганди, — дея хабар беради мухбиримиз Хайитбой Набирев. — Неча кўн, неча ой ўтган, пойдевор битиб, девори кўтарилди. Бир кўни...

Уста ёллаб кўмиқуқни бошлаб юбормоқчи бўлиб қараса, дўкон ўрнида йўқ! Воқеадан воқиф бўлган ҳамқасбимизнинг бошидан ҳўши ўчиб, «О2»га кўнгириқ қилди. Бўлса, бу жўйега нозикроқ одамларини назари тушган шекилли, «Жўзасанине шох кўчаси чиройини бўзиб турган чала биноларни олиб ташланглар», дея буйроқ берилган экан. Чорасиз мухбир нолгоже қолди. Охири шаҳар ҳўқимига мурожаат қилди. Ҳўқим «бўлар иш бўлди, бировега айтиб юрманг, дўконингизни ўзимиз тиклаб берамиз», деб ваъда берди. Ваъдага ишониб орадан бир йил вақт ўтди. Бу орада уни ишонтирган ҳўқим бошқа ишга ўтиб ҳам кетди. Бўзилган бино тикланмади».

БИР КУНЛИК ИШ ҲАҚИ — ОБУНАГА

Ншон туманидаги Ҳамза номли жамоа ҳўжалиги деҳқонлари бир кўнлик иш ҳақларини «Халқ сўзи» газетасига обуна бўлиш учун матбуот тарқатини уюшмасига ўтказдилар.

Ҳўжалик меҳнат аҳлининг қарорига кўра, ана шу маблағ ҳисобидан ишлаб чиқариш илгорлари, меҳнат фахрийларидан 50 нафари «Халқ сўзи» газетасига обуна қилинди.

Соат милларини Нормурод МУСОМОВ кўзатди.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ОБУНА БЎЛСАНГИЗ...

«Нима ютаман?» дейсизми? Ишонилманг. Ютуқнинг баҳоси, қадри, қимматини ҳозирдан айтиб қўйсак...

Яхшиши, ҳеч қандай ўлчов ва баҳога тенглаштириб бўлмайдиган бойлик - ОЗОДЛИКнинг олти йиллик сурат ва сийратларини аниқлаб етасиз. Не тонки, «Халқ сўзи» ҳам истиқлол билан тенгдош-да!

Шунингдек, катта дунё сизнинг кўнглингизга ўз эшиқларини оча бошлайди. Бу эшиқлардан эса дунёвий аҳамиятга эга бўлмиш сўйсий-ижтимоий воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборотлар, репортажлар, мақолалар «Халқ сўзи» саҳифаларига кўчади. Жаҳонда содир бўлаётган турли-туман қувончли ва ташвишли воқеаларга билдирилган ҳолисона муносабатларини ҳам «Халқ сўзи»да ўқисиз.

Дарвоқе, Ўзбекистонда кечатган оламшумул ҳаёт ўзгаришлари ҳар бир сонда ўз аксини топади. Ватанимизнинг, халқимизнинг обрўсини, нуфузини ер юзига ёлётган, «ЎЗБЕК-КИСТОН» деган қутлуғ сўзнинг дунё бўйлаб мардонавор жарангашига улдуш қўшаётган қаҳрамонлару асл фидойилар «Халқ сўзи» меҳмони бўлади. Яна...

Келинг, азиз мушторини, сирли дастурхонимизда ҳали бир дунё сиз билан ва билмаган «неъмат»лар яширин. Қолганини кейинги сонларимизда айтамыз.

Ҳозирча сизга мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида «Халқ сўзи»га обуна давом этаётганлигини эслатиб қўймоқчимиз.

НАШР КўРСАТКИЧИ:
ЯККА ОБУНАЧИЛАР УЧУН - 229
ТАШКИЛОТЛАР УЧУН - 230

МАВСУМ ЛОҚАЙДЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИ

Иносф юзасидан айтганда, бу йил мазкур мавсумга ўтган йилгига нисбатан анча жиддий тайёргарлик қилилди. Негаки, бу масала нафақат вилоят шаҳарлар, балки республика миқёсидаги йилги ишларда ҳам тегишли идоралар олганга долзарб вазифа сифатида кўндаланг қилиб қўйилган. Ушбу муҳим ишнинг мавсумий эмас, балки доимий эканлиги ҳўкумат эътиборидан сира четда қолмаётди.

Аммо, афсуски, белгиланган дастур асосида амалга оширилиши лозим бўлган талай ишлар қўғозларда қолиб кетмоқда.

Мавжуд маълумотларга асосланиб, шўни айтиш мумкинки, айни пайтда қишқи мавсумга тайёргарлик ишлари қониқарли эмас. Негар?

Сабоби -- маълум. Ушбу ишга мутасадди идоралар баҳор ва ёз ойларини машҳур масалдаги ниначи каби «қўшқ айтиш» билан ўтказиб юбордилар. Қиш эшик қўқиб келган айни пайтда эса икки оёқни бир этикка тикиб, шўшиб қолдилар.

Яна бир қарра савол беришга мажбуримиз: қиш, нега шундай?

Қишга тайёргарлик ишлари аёз эшик қоқа бошлаган кезларда эмас, балки йил мобайнида амалга оширилиши керак. Афсуски, амалда бунга эътибор берилмапти. Айниқса, пойтахт Тошкентда аҳвол анча мушкул. Одатда октябрнинг охири, ноябрнинг бошларида пойтахтдаги барча уйлар, ўқув юрглари ва идоралар бинолари иссиқлик тармоғига уланарди. Лекин бу йил ана шу юмш негалир орқага сурилди. Тахририятта оқиб келатган мактубларда қайд этилишича, Чи-

ман раҳбарлари эса бир неча йилдан бери фақат ваёда берадилар, холос. Бор-йўғи 20 метр наридаги кўни 156-уйда эса марказий иситиш тармоғига улангани боис ҳеч бир муаммо йўқ. Наҳотки, бизнинг уйи ҳам ана шу тармоққа улаш шўнчалик қийин бўлса?..

А. Сейидов,
А. Парамонова,
И. Боймуротова

ҚИШ ЭШИК КОҚМОҚДА

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 21-ўрта мактаб ўқувчилари ўтган йили қишни синф хоналарида пальто ва қўлоқчин кийиб ўтказгандилар. Бу йил ҳам синф хоналари иссиқлик билан таъминланмаган. Чунки оталиқдаги «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикаси (айни пайтда ҳиссалорлик жамияти) аранг нафас олиб турибди. Ва нафақат мактабни, балки марказий тармоққа уланган бошқа муассасалар, кўллаб турар жойларни ҳам иссиқлик қуввати билан таъминлаши даргомун. Ёки Андижон шаҳридан бир мисол: бутун баҳор ва ёз давомида турар жой қишга

ва бошқалар».


Табият ноябрь ойининг дастлабки куниданоқ ҳаммамизни жиддий оғоҳлантириб қўйди. Аёзли кунларгача қолган қўсқа мўддатдан оқилона фойдаланиб, мавсумга тайёргарлик ишларини тезлатмасак, мураккаблиқлар юзага келиши ҳеч гап эмас.

Уйлаймизки, белгиланган тадбирлар мўддатда бажарилса, ақоли ва ўқувчилар қишқи-қировий кунларда бамайлихотир иссиқ хоналарда яшаб, сабоқ оладилар.

Темур АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНИГ

ЎЗБЕКИСТОНДА УКРАИНА МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ



Дмитрий ОСТАПЕНКО, Украина маданият ва санъат ишлари вазири:

— Ўзбекистонда ўтаётган Украина маданияти кунларида республикамизнинг машҳур профессионал бадий гуруҳлари ва халқ ансамбллари, таниқли адабиёт ва санъат намояндalari иштирок этмоқдалар. Улар гўзал Тошкентнинг маданият саройлари ва концерт залларида, Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида, меҳнатқашлар ҳузурида ўз маҳоратларини намойиш этидилар, томошабинлар билан ижодий учрашувлар ўтказдилар.

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Гоят кўркам юрт экан. Одамларини севиб қолдим. «Халқлар дўстлиги» саройида Украина маданияти кунларининг тантанали очи-лиши, залдаги томошабинларнинг бизга хайрихоҳидиган жуда мамнун бўлди. Тошкентнинг қадимий ва ҳайратла-нарли осори-атиқаларини зиёрат қилиш давомида ўзбек халқи тарихини ҳам анча-мунча билиб олдим.

Бир нарсага амин бўлдими, мустақиллик Ўзбекистон-га ва ўзбекларга ўзигини қайтариб берибди. Мен буни ҳар қадамда кўрайман. Олти йил мобайнида мамлакатин-гиз ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ҳаётида юз берган улкан ўзгаришлар, ўзбек халқининг мустақиллик гоялари-ни жонфидолик билан ҳимоя қилиб, туб ислохотларни изчил амалга ошираётганидан бир дўст сифатида қувон-дим.

ЭЪТИРОФ

«ЮРТИНГИЗНИ СЕВИБ ҚОЛДИК»

— дейишди хайрат ила украиналик меҳмонлар



Василий ЗАХАРСКИЙ, рассом:

— Мен бир-бирига дўст ўзбек ва украин халқи фарзандиман, десам ишона-веринг. Украинада туғилиб ўсиб, йигир-ма йилдан буён Тошкентда яшайман.

Ўзбекистоннинг қуёшли, бетакрор та-биати, ажойиб одамлари ижодимга қанот бағишлайди. «Чорвоқ» ва «Толлимаржон» деб номланган туркум расмларим фик-римнинг исботидир.

Сунги олти йил Ўзбекистон тарихи-да бошланган янги даврди. Мустақил-лик туғайли юз бераётган ўсиш ва ўзга-лик дунёга танилиб бораётти.

Шу кунларда кўнглимда бир истак ҳукмрон: ўз тараққиёт йулидан дадил бораётган Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамия-тидан салмоқли ўрин эгаллаётганини акс эттирувчи, ўзбек ва украин халқи дўстлигини тасвирловчи расмлар ишламоқчиман.



Сергей ТИШЧЕНКО, «Гетман» Украина Куролли Кучлари қошидаги эркаклар вокал квартети бадий раҳбари, Украинада хизмат кўрсатган артист:

— Қўшиқ — менинг жону дилим. Чунки у қайси тилда ижро этилмасин, ҳеч қачон таржимага муҳтож бўлмайди. Санъаткорнинг ташқи қиёфаси унинг қўшиғида нима қуйланаётганини ош-кор этиб туради.

Мен ўзбек халқини ҳурмат қиламан ва қадрлайман. У ҳақдаги кинофильмлар ва китобларга жуда қизиқаман. Зеро, ўзбек ва украинларнинг меҳнатқаш, меҳмондўстлиги муш-тарак фазилатидир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ҳар соҳада ри-вожланиб, юксалиб бораётгани, одамларнинг тинч, осуда, хотиржам яшаб, ишонч ва кўтаринқи руҳда меҳнат қилаётганлари юртингизнинг обод ва озоқ Ватан бўлишини таъминлайди.

Сунги сўзим шуки, гуруҳимиздаги санъаткорлар Анд-рей Кондратьюк (Украина халқ артисти), Пётр Заец, Генна-дий Касьяненко (Украинада хизмат кўрсатган артистлар) ва Святослав Ильницкийлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон мустақиллиги ҳақида чиройли ўзбекча қўшиқ яратмоқчимиз.

«Халқ сўзи» мухбири Гулчехра ЙЎЛДОШЕВА ёзиб олди.

ҚУРОЛДОШИМГА МАКТУБ

Шоир Назармат ўзининг қатор шеърйи китоблари билан адабиёт мухлисларига яхши таниш. У фашистларга қарши жангларда ҳам қатнашган. Шунинг учун аскарят шеърларида Ватанини улуғлаш гоёиси устувор. Ўзбекистонда ўтаётган Укра-ина маданияти кунлари арафасида шоир тахририятимизга ке-либ, бизга ўзининг уруш йилларидаги қуроқдоши — украин дўстига ёзган шеърини тақдим этди.

*Дўстим! Сен хат ёзиб, уйга чорлабсан,
Тантанани кунлари тўйга чорлабсан.
Севинчим Днепр бўлди-ю, оқди,
Юрагим меҳридан ёздим мен нома.
Тўй «Кел, болам» деб йўлимга боқди
Анз Украина, меҳрибон она.
Хайлим осмондай кенг қулоқ ёзиб,
Дўстиман, сен унда бўлдинг намоеён.
Иккимиз соҳида оқолар қазиб,
Турардик уфққа боқиб ёлма-ён.
Босқинчи хўрача ўт очар эди,
Қорайиб ёнарди оппоқ хаталар.
Кўзга ўт, дилга ўч қуйилар эди,
Қутарди бизларни жанг, атакалар.
Дўстим, сен бир куйган хатага келдинг,
Тиз чўқиб, индамай ера буқилдинг.
Кўзинг алангаси ялтираб кетди,
Ёзу, бутун ашуудинг қалтираб кетди.
Фақат кел тўғриди яқин-бирокда,
«Биз қайтиб келармиз», дединг шу чоғда.
Биз ўтдик қанча сув, дарё, сойлардан,
Биз ўтдик бегона, турки жойлардан,
Хар ерда «Биз қайтиб келармиз», деддинг,
«Эл номини муқаддас билармиз», деддинг.
Биз қайтидик. Биз қайтидик, битган эди жанг,
Урмондан қайтишди мўсафид отанг,
Севимли қайлигинг, муштанга отанг,
Кўксингга отилди, тикланди хатанг.
Днепр бўйлари, оппоқ уйлари,
Бандура куйлари, элиниг тўйлари
Бизларни шод қутиб, жонанжон бўлди,
Қалларда тинч ҳаёт ошди бўлди.
Паст-баланд қирларда олтин денгиз
Турмулиб йўлинига: «Кел, дерди, ўқлон».
Қалбингда элининг меҳри-юлдузи,
Жанговар дўстим, сен бўлдинг агроном.
«Ҳаётим ўзгача ўша соҳида,
Энди кўрсанг эди» дебсан қадрдон.
Муқаддас тупроқнинг ҳар ери дилда,
Турроги азизир, эли жонанжон.
Табарруж хатишени олганим замон,
Сен сўй ёнимда бўлдинг намоеён.
Иккимиз соҳида турардик хўрсанд,
Жанглар гирдобиди улғайган фарзанд.*

НАЗАРМАТ.

ХУРАЛИК БИЗНИ БОҒЛАДИ

Украина, украин халқи деганда кўпинча болалик хоти-рамда муҳрланиб қолган бир воқеа эсимга тушади. Қирғинбарот урушда қатнашиб, Европанинг қай бир гўшасида чап оёғини қолдириб келган Тошпўлат бобо биз-болаларга ўз кечмишларини сўзлаб беришдан сира эрин-масди.

«Украинада Днепр деган каттакан дарё бор. Ана шу дарёнинг бўйларида фашистлар билан роса олишганмиз. Қаттиқ жанглардан бирида ёнгинамда фашистларнинг снаряди портлади. Кейин нима бўлганини билмайман. Қўзимни оч-сам, бир хондонда ётибман. Маълум бўлишча, бомба парчаси тегиши оқибатида қаттиқ жароҳатланиб, ҳушимдан кетган эканман. Чала ўлик бўлиб ётган жойимда Анатолий исмли ук-раин чол топиб олиб, жонимни сақлаб қолдиби.

Шундай қилиб, яна сафта қайтганман. Кей-инчалик немисларни худди ана шу дарёдан тиркиратиб қувдик ҳам. Хуллас, ҳали-ҳали Анатолий бобони эслаб юраман».

Ўзбек ва украин халқлари ўртасидаги зи-лол бўлоқ сувидек бегубор, самимий дўстлик ана шундай оғир синовлар чоғида тоблан-ган эди. Уруш йиллари Ўзбекистон бир мил-лиондан зиёд украинларни (шундан икки юз минг нафари гўдақлар эди) ўз бағрига ол-

ганили ҳам бунинг яқол далилидир. «Дўст бошга қулфат тушганда билинади», деган-лари рост. Олтинчи олтинчи йилда машум Тошкент зилзиласи рўй бергач, қанчадан-қанча украинлик биродарларимиз бизга бегараз кўмак қилини чўзишди. Пойтахтимиз-да бунёд этилган кўлаб иморатлар эса икки халқ дўстлигининг боқий рамзлари сифати-да хали-ҳануз кўз ўнгимизда собит турибди.
Бу икки халқни эндиликда яна бир муш-тарак туйғу — мустақиллик тобора яқинлаштирди. Зотан, узоқ давр мобайнида ушбу неъмат ўзбекининг ҳам, украиннинг ҳам дилидаги энг эзгу оруз-маслаги, армони бўлиб келган эди. Зеро, украиннинг вужуди-да Тарас Шевченко, Иван Франко, Тарас Бульбала қони оқаётган бўлса, ўзбекининг

томирида Амир Тему, Бобур, Навоий, Улугбек сингари юзлаб буюқ зотларнинг қайноқ қони гулуриб турибди. Аждодлардан мерос бўлган хурилиқ туйғуси ҳар недан ус-тун туради.
Пойтахтимиздаги мухташам «Халқлар дўстлиги» саройида Ўзбекистонда Украина маданияти кунларининг очилиши маросими эса икки халқ биродарлиги нақадар теран томирларга эга эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Улкан залини тўлдириб ўтирган ўзбек мухлислари украинлик санъаткорлар-нинг ҳар бир чиқушларини гулдурас қарсақ-лар билан олқишлаб қарши олишди. Қарийб уч соат давом этган мазкур концертда меҳмонлар украин санъати чаманидан терил-ган ажиб бир гўдастанни туффа этишди. Нина Матвеевко, Павел ва Петро Примак, Анато-лий Анофреенко, Андрей Кондратьюк, Ольга Нагорная, Инна Дорощева, Вадим Писа-рев, Валентин Пиваваров каби таниқли иж-рочилар, «Кролики», «Соколи» ижодий

гуруҳлари, Г. Скворода номидаги халқаро со-врин лауреати Украина Ҳарбий кучларининг «Гетман» вокал квартети, П. Вирский номи-даги Украинада хизмат кўрсатган миллий ака-демик ракс ансамблларининг кишини тўлқинлантирадиган куй, қўшиқ ва рақслари хали юртимизда яна кўп бор намойиш этила-ди. Украин санъатидан баҳра олиб, ўзимиз-нинг бой маданиятимизни ҳам уларга намой-иш қиламиз. Энг асосийси, меҳмонлар юрти-миз тупроғига қадам ранжиди қилишлари би-ланок, бизни ҳам ўз элларига меҳмонга так-лиф этишди. Биз бу истакни хўрсандчилик ила қабул қилдик. Келаси йилнинг апрель-май ой-ларида Украинада Ўзбекистон маданияти кун-ларини ўтказиш ҳақида ўзаро келишиб олин-ди. Демак, украин ва ўзбек халқлари ўртаси-даги биродарлик алоқалари янада раванқ то-пади.

Фафур ШЕРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.



ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ЮЛДУЗ

ЖАҲОН ДАРАЖАСИДАГИ АВТОМОБИЛЬ МОЙЛАРИ



Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Хўж ва қўшчилик 136-07-94;
Иқтисодий 136-36-65;
Маълумият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, табиёт, спорт ва ҳарбий ватан-парварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибхона 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буортма Г — 0747, 33.805 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета ИВМ компьютерла терилди
ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва
Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

С МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Набатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Набатчи — Т. Абдурахмонов.
Мусоҳиҳ — Ф. Тўйчиева.

«Шарқ» папириёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 23.00. 1 2 3 4 5 6